

# Кимё саноатининг ички ҳаёти, муҳандислик касбининг ҳақиқий қиёфаси ва йирик корхоналардаги имкониятлар — энди битта лойиҳада!

// 15.06.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/kimyo-sanoatining-ichki-hayoti-muhandislik-kasbining-haqiqiy>

“Ўзкимёсаноат” АЖ ҳамда Тошкент кимё-технология институти ҳамкорлигида янги медиа лойиҳа — “КИМЁГАР МУҲАНДИС” дастурини тақдим этамиз.

Лойиҳанинг илк сонида юртимизнинг йирик саноат корхоналаридан бири — “Максам-Чирчиқ” фаолияти билан яқиндан танишасиз. Корхонадаги:

- замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари
- муҳандис ва мутахассисларнинг кундалик меҳнати
- ишга қабул қилиш тартиблари
- касбий ривожланиш имкониятлари
- муваффақият ортидаги ҳақиқий ҳикоялар сизни кутмоқда.

“КИМЁГАР МУҲАНДИС” — бу нафақат корхоналар ҳақида, балки кимё саноатида ўз келажагини кўраётган ёшлар учун илҳом ва амалий йўл-йўриқ манбаи ҳам.

Биринчи манзил — “Максам-Чирчиқ” АЖ.